

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

1.2022

**научно-теоретический методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2022

Bosh muharrir filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent **Ro'zimboy YO'LDOSHEV**

TAHRIR HAY'ATI:

ABDULLAYEV Bahrom, fizika-matematika fanlari doktori (UrDU),
ABDULLAYEV Ikrom, biologiya fanlari doktori, professor (Xorazm Ma'mun akademiyasi),
ABDULLAYEV Ilyos, iqtisod fanlari doktori, professor (UrDU),
ABDULLAYEV Ravshanbek, tibbiyot fanlari doktori, professor (TATU UF),
ABDULLAYEV O'tkir, tarix fanlari doktori (UrDU),
ALEUOV Userbay, pedagogika fanlari doktori, professor (Nukus davlat Pedagogika instituti),
BERDIMUROTOVA Alima, falsafa fanlari doktori, professor (QDU),
DAVLETOV Sanjarbek, tarix fanlari doktori (UrDU),
DO'SCHONOV Tangribergan, iqtisod fanlari doktori, professor (UrDU),
HAJIYEVA Maqsuda, falsafa fanlari doktori, professor (UrDU),
IBRAGIMOV Zafar, fizika-matematika fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent (PhD, UrDU),
IBRAGIMOV Zair, fizika-matematika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD, AQSH),
IMOMQULOV Sevdiyor, fizika-matematika fanlari doktori (UrDU),
JUMANIYAZOV Maqsud, texnika fanlari doktori, professor (UrDU),
JUMANIYOZOV Otaboy, filologiya fanlari nomzodi, professor (UrDU),
KALANDAROV Aybek, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD, mas'ul kotib, UrDU),
KAVALYAUSKAS Vidas, gumanitar fanlar doktori, professor (Litva universiteti),
NAVRUZOV Qurolboy, fizika-matematika fanlari doktori, professor (UrDU),
OLLAMOV Yarash, yuridik fanlari nomzodi, dotsent (O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Xorazm viloyatidagi Xalq qabulxonasi bosh mutaxassisi),
OTAMURODOV Sa'dulla, falsafa fanlari doktori, professor (Toshkent, Kimyo-texnologiya instituti),
PRIMOV Azamat, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent (UrDU),
QUTLIYEV Uchqun, fizika-matematika fanlari doktori, professor (UrDU),
RO'ZIYEV Erkinboy, pedagogika fanlari doktori, professor (UrDU),
SADULLAYEV Azimboy, fizika-matematika fanlari doktori, akademik (O'zMU),
SADULLAYEVA Nilufar Azimovna, filologiya fanlari doktori (O'zMU),
SAGDULLAYEV Anatoliy, tarix fanlari doktori, akademik (O'zMU),
SALAYEV San'atbek, iqtisod fanlari doktori, professor (Xorazm viloyati hokimligi),
SALAYEVA Muxabbat Soburovna, pedagogika fanlari doktori (UrDU),
SATIPOV G'oiptazar, qishloq xo'jalik fanlari doktori, professor (UrDU),
XODJANIYOZOV Sardor, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o'rinbosari, UrDU),
YOQUBOV Jamoliddin, filologiya fanlari doktori, professor (O'zDJTU),
O'ROZBOYEV Abdulla, filologiya fanlari doktori (UrDU),
O'ROZBOYEV G'ayrat, fizika-matematika fanlari doktori (UrDU),
G'AYIPOV Dilshod, filologiya fanlari doktori, dotsent (UrDU).

**JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN•JURNAL
OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI•2022 1(175)**

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida 2020-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tgan•**GUVOHNOMA № 1131.**

лади. Ёзувчи ўз кузатишларини шу бемор образнинг кўзига, хаёлларига, тасаввур дунёсига осонгина жойлайди. Дунё ташвишлари билан югуриб юрган соғлом инсонлар воқеа-ходисалар устида фикрлашга, ҳаётни кузатишга ҳар доим ҳам вақт топа олмайди. Замонавий ўзбек адабиётидаги бемор образлар ана шундай қатор хусусиятлари билан ўзига хослик касб этади.

**Йўлдошев Улуғбек Равшанбекович (Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси
Чет тиллар кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
БАДИЙ ТАРЖИМАДА ҚўЛЛАНАДИГАН ТАРЖИМА УСЛУБЛАРИ**

***Аннотация.** Мазкур мақолада таржима услублари ва уларнинг хоссалари борасидаги ўзбек ва хориж олимларининг фикрлари ва таснифлари ёритилган. Шунингдек, ёзма таржима, хусусан, бадиий таржимада қўлланадиган семантик, коммуникатив, назмий, мослаштириш, эркин, идиоматик, ижодий, муаллифлаштирилган таржима услубларига батафсил тўхталиб ўтилган.*

***Аннотация.** В статье описаны мнения и классификации узбекских и зарубежных ученых по методам перевода и их свойствам. В статье подробно рассматриваются семантические, коммуникативные, поэтические, адаптивные, свободные, идиоматические, творческие, авторизованные методы перевода, используемые в письменном переводе, в частности художественном переводе.*

***Annotation.** The article describes the opinions and classification of Uzbek and foreign scientists on translation methods and their properties. The article discusses briefly the semantic, communicative, poetic, adaptive, free, idiomatic, creative, authorized translation methods used in written translation, in particular literary translation.*

***Калим сўзлар:** таржима, ёзма таржима, бадиий таржима, тасниф, аслият матни, таржима матни, услуб, семантик, коммуникатив, назмий, мослаштириш, эркин, идиоматик, ижодий, муаллифлаштирилган таржима.*

***Ключевые слова:** перевод, письменный перевод, художественный перевод, классификация, оригинальный текст, переведенный текст, стиль, смысловой, коммуникативный, поэтический, адаптивный, свободный, идиоматический, творческий, авторский перевод.*

***Key words:** translation, written translation, literary translation, classification, original text, target text, style, semantic, communicative, poetic, adaptive, free, idiomatic, creative, author's translation.*

Таржима услуби таржима жараёнида матннинг услуб жиҳатидан турига ва таржимоннинг мақсадига кўра танланадиган усул саналади. Кўплаб хориж таржимашунос олимлар томонидан таклиф этилган “таржима методи” таржимани амалга ошириш усуллари, йўллари, услубларини белгилаб беради ва матннинг услуб жиҳатидан турига кўра танланишини инобатга олиб, шунинг тадқиқот ишимиз таржимашунослик соҳасида олиб борилаётганлиги учун мазкур тадқиқотда биз “таржима методи”га нисбатан “таржима услуби” терминини қўладик. Таржимашунослик тарихида “таржима услуби” термини, дастлаб, Марк Тулий Цицерон (м.авв.106–43) томонидан қўлланган. Цицерон илк бора сўзма-сўз ва маъновий таржима услубларидан фойдаланган.¹ Назаримизда, Цицерон таржима жараёнида аслият матнини бошидан охиригача сўзма-сўз ёки маъновий таржима методидан фойдаланиб, таржима матнига ўгирган.

Н.Н.Нелюбиннинг луғатида “таржима услуби таржима усулидан фарқ қилади ва кенг омма томонидан қабул қилинган қонуниятларга асосланмайди, бироқ таржима тури ва усулларини ҳисобга олиб, таржимон томонидан бирор мақсадга йўналтирилган ўзаро бир-бирига алоқадор усуллар тизимини амалга ошириш жараёни”,² дея таърифланади. Н.Нелюбиннинг фикрига қўшилган ҳолда, таржима услуби ва усули бир-биридан фарқ қилиб, услуб бутун матн учун танланади, усул эса матндаги фразеологик бирликлар, маданий сўзлар, афоризмлар, қўшма сўзлар каби кичик лексик бирликларни ўгириш учун танланади, деган фикрни илгари сурмоқчимиз.

Бу талқинни П.Ньюмарк “таржима услублари бутун матнга боғлиқ бўлади, таржима услублари эса матндаги гаплар ва тилнинг кичикрок бирликлари учун фойдаланилади”,³ деган фикрида ҳам кўришимиз мумкин. Демак, таржима услублари таржима жараёнидан олдинги вазиятда қўлла-

¹ Гарбовский Н. Теория перевода. Учебник, М., изд-во Московского университета, 2004, с. 65.

² Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. М., “Наука”, 2003, с. 110.

³ Newmark P. Approaches to Translation. Hertfordshire: Prentice Hall, 1988, p. 81.

нади ва қуйидаги мақсадларда фойдаланилади: аслият матнини ўрганиб, уни кимлар учун мўлжалланганлиги, матннинг услуб жиҳатдан турини аниқлаш, яъни агар матн техника соҳасига оид терминлар асосида тузилган бўлса, сўзма-сўз таржима услубидан фойдаланиш, агар матн бадиий услубга тегишли бўлса, семантик, эркин, ижодий таржима услубларидан фойдаланиш кабилар.

М.Ларсоннинг фикрига кўра, “таржима услуби икки турга бўлинади. Биринчиси – шаклга асосланган ёки сўзма-сўз таржима услуби. Иккинчиси – маънога асосланган ёки идиоматик таржима услуби. Сўзма-сўз таржима деганда, у таржимада аслият тили шаклини ўзгартирмасликни назарда тутди. Идиоматик таржимада аслият тили ёзувчиси назарда тутган маънони таржима тилига олиб ўтиш мақсад қилинади”¹.

Фикримизча, идиоматик таржима кўпроқ бадиий матн таржимасига алоқадор ҳисобланади. Чунки бадиий матнда тилнинг ўзига хос тасвирий ифода воситаларидан кенг фойдаланилади. Бу ҳолатда таржимон бадиий матннинг маъносини олиб ўтишга уринади.

Таржима услубларидан фойдаланиш таржимон эҳтиёжига боғлиқ. У қайси услубдан фойдаланишидан қатъий назар, таржимадаги асосий эҳтибор аслият тилидаги маълумотни таржима тилига аъло даражада олиб ўтишдир. П.Ньюмарк қуйидаги таржима услубларини таклиф қилган: сўзма-сўз таржима, гапларни бирма-бир таржима қилиш, аслиятга содиқ ҳолда таржима қилиш, семантик таржима, мослаштириш, эркин таржима, идиоматик таржима, коммуникатив таржима, маиший хизмат таржимаси, насрий таржима, ахборот таржимаси, когнитив таржима, академик таржима.²

Ушбу услублар аслият матнига ва таржима матнига яқин услублар гуруҳига ҳам бўлинади. Аслият тилига яқин услубларга сўзма-сўз таржима, гапларни бирма-бир таржима қилиш, аслиятга содиқ ҳолда таржима қилиш ва семантик таржима услублари кирса, таржима тилига яқин услублар деганда, эркин, мослаштириш, идиоматик ва коммуникатив таржима услублари назарда тутилади.

П.Ньюмарк энг самарали таржима услублар коммуникатив ва семантик таржима услублари эканлигини таъкидлайди.³ Демак, П.Ньюмарк ва М.Ларсонлар мукамал таржима яратишда катта аҳамият касб этадиган энг асосий услубларни танлаш муҳим, деб таъкидлашади. Шундай қилиб, инглиз тилида “translation method” термини ўзбек тилида “таржима услуб” деб талқин қилинади. Таржима услублари таржимоннинг ўз мақсадига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Қ.Мусаев П.Ньюмарк, М.Ларсонлар таклиф этган таржима услублари терминига нисбатан таржима турлари терминини қўллайди. Олим таржиманинг тўққиз турини, яъни ижодий, сўзма-сўз, эркин, образлаштирилган (идиоматик), мослаштириш, муаллифлаштирилган, табдил, академик ва воситали тилдан таржима турларини келтириб ўтган.⁴

Фикримизча, Қ.Мусаев таклиф қилган таржима турлари ёзма матннинг таржима турлари сифатида қаралган. Демак, таржима услублари вазифасига кўра, икки турга бўлинади: аслият матнига нисбатан ва таржима матнига нисбатан қўлланувчи услублар. Аслият матнига нисбатан қўлланувчи услубларга сўзма-сўз таржима, гапма-гап таржима, аслиятга содиқ ҳолда таржима, семантик таржима, коммуникатив таржима, назмий таржима, академик таржима, фонемик таржима, метрик таржима, қофияли таржима кабилар кирса, таржима матнига нисбатан қўлланувчи услубларга мослаштириш, эркин, идиоматик, ижодий, муаллифлаштирилган, табдил, воситачи тилдан таржима, қофиясиз таржима, ахборотли таржима ва шарҳлаш қиради.

Мазкур мақоламизда бадиий таржиманинг ўзига хос лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларини инбатга олган ҳолда, бадиий таржимада қўлланадиган таржима услубларини алоҳида таснифладик. Бу жараёнда аслият матнининг таркибий тузилиши, унинг турли сатҳларда намоён бўлиши, аслият ва таржима матнларининг фоностилистик, лексик, фразеологик, синтактик, матний стилистик жиҳатлари, муаллифнинг бадиий эстетик қийматни акс эттиришда қўлланадиган бадиий тасвирий воситалар ва стилистик усулларнинг таржимада берилиши, уларнинг миллий-маданий хусусиятлари, аслиятда муаллиф томонидан илгари сурилган асл ғояларнинг таржима тилида қан-

¹Mildred L. Meaning – based translation. A guide to cross-language equivalence. Lanham, University press of America, 1984, p. 15.

²Newmark P. Approaches to Translation. Hertfordshire. Prentice Hall, 1988, p. 45 – 47.

³Newmark P. About Translation: Multilingual Matters. Clevedon, Philadelphia, Adelaide: Multilingual Matters Ltd, 1991, p. 26.

⁴Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Т., “Фан”, 2005, 21 – 28-бетлар.

дай экс эттириш масалалари каби бадий матн таржимасининг ўзига хос хусусиятларига асосий эътиборни қаратиш баробарида, бадий таржимада қуйидаги таржима услубларнинг қўлланиши ва таржимонлар ушбу услубларга таянган ҳолда, бадий таржимага ёндашиш мақсадга мувофиқлигини илгари сурдик. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, биз таснифлаган таржима услублари, асосан, насрий матнлар таржимасига нисбатан самарали қўлланиши мақсадга мувофиқ.

Қуйида бадий таржимада қўлланадиган таржима услублари ва бош хоссалари борсида ба- тафсил тўхталиб ўтамиз:

1. Аслиятга содиқ ҳолда таржима (faithful translation) услуби аслият матнидаги маъно ва таъ- сир таржима тили ва маданиятига қарши қўймасдан, раво олиб ўтиш мақсад қилинади. Ушбу ус- лубда муаллиф ғояси ва аслият матни функциялари таржима тили ўқувчисига тушунарли ҳолатда олиб ўтиш режалаштирилади. Б.Хатимнинг фикрича, “аслиятга содиқлик тамойили таржимон учун таржима тилида ўхшаш матн яратиш учун аслият матнини тўғридан-тўғри ифодалаш функ- цияси ҳисобланади. Таржимон ҳар бир сўзни алоҳида таржима қилади, кейин таржима тили струк- турасига мослаштириш учун грамматик конструкция қайта яратилади”.¹ Шунингдек, аслиятга со- диқ ҳолда таржима услуби таржимада қисқа содда гаплар англатган маънони ифодалаш учун сама- рали услуб ҳисобланади. Бу услубда мураккаб гаплар таржимасида камчиликларга йўл қўйилиш- дек туюлади, чунки матн структурасидаги индивидуал сўзларга қарганда бутун матндаги струк- турада маъно мужассамлашган бўлади.

2. Семантик таржима (semantic translation) эса “аслиятга содиқ ҳолда таржима” услуб тури- дан фақатгина аслият матнининг эстетик қийматини, имкон қадар, кўпроқ ҳисобга олиши билан фарқ қилади, яъни маъно асосий аҳамият касб этади. П.Ньюмаркнинг фикрича, “семантик таржима- да аслиятнинг аниқ контекстуал маъноси таржима тилининг семантик ва синтактик структурасига имкон қадар яқинлаштиришга ҳаракат қилинади”.² Семантик таржимада аслият тилига ёндашиш кузатилади. Таржимада аслият матни муаллифининг фикр ва ғоялари сақланади. Таржима ҳамма учун тушунарли бўлади, аммо аслият маданият олиб ўтилади, агар аслият асосий маълумотлари қўшимча коннотатив маъноларни ифодаласа, у ўқувчига ушбу маъноларни тушунишга ёрдам бе- ради.

3. Коммуникатив таржима (communicative translation) услубда аслиятнинг аниқ матний маъ- носи таржима қилиниб, бу усулда таржима мазмуни ва тили ўқувчига тушунарли бўлади. Ком- муникатив таржима ўз ўқувчиларига, иложи борича, яқинроқ таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Коммуникатив таржимада аслият тилга ёндашиш кузатилади, у эркин мулоқотга киришиш мақсад қилинади. Таржима жараёнида таржима тили ўқувчисига ўз тили ва маданияти учун ноаниқ бўл- ган хорижий сўзлар ва улар натижасида юзага келадиган қийинчиликлар ёки ноаниқликларни бар- тараф этишга, имкон қадар, ҳаракат қилинади. Бу каби ноаниқ ва тушунарсиз терминларга нисба- тан таржимон багрикенглик билан ёндашади. Бунда маълумотнинг контентида кўра унинг таъсир кучига урғу берилади.

Таржима раво, оддий, аниқ, тўғри бўлиб, талқин қилиниши қийин бўлган қисмларда кўп- роқ умумий терминлар қўлланади. П.Ньюмаркнинг таъкидича, коммуникатив таржима семантик таржимага нисбатан яхшироқ самара беради.³ Олим яна шуни таъкидлайдики, семантик таржима- да аслият матнини такомиллаштириш ёки хатоларни тўғрилашга имконият бўлмайди, коммуника- тив таржимада эса бу жараёнлар осонроқ кечади, чунки таржимонда мантикни тўғри талқин қи- лиш, кинояли гаплар ёки жаргонларни аниқлаш, ғализ жумлаларни тўлақонли структураларга ал- маштириш, тушунмовчиликларни баратараф этиш, такрорларни камайтириш ва услубий жиҳатдан нотўғри бўлган ёзма матнларни тартибга келтириш имконияти мавжуд бўлади.

4. Мослаштириш (adaptation) услуби таржиманинг энг эркин тури бўлиб, асосан, комедия жанридаги асарларда ва шеърятда фойдаланилади. Таржимон аслиятни, имкон қадар, таржима тили соҳибларига яқинлаштиришни мақсад қилиб, аслиятга ўта эркин муносабатда бўлади. Одат- да, асар мавзуси, қахрамонлари, сюжети сақлаб қолинади, аслият тили маданияти таржима тили маданияти билан алмаштирилади ва матн қайта яратилади.⁴

¹ Hatim B. Translation: an advanced resource book. London, Routledge applied linguistics. 2004.

² Newmark P. About Translation: Multilingual Matters. Clevedon, Philadelphia, Adelaide: Multilingual Matters Ltd, 1991, p. 13.

³ Newmark P. Approaches to Translation. Hertfordshire, Prentice Hall, 1988, p. 32.

⁴ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Т., “Фан”, 2005, 26-бет.

5. Эркин таржима (free translation)да таржима тили матни аслият матнининг услуги, шакли-сиз қайта яратилади. Таржимон аслиятнинг мазмунини ўз сўзлари билан содда ва қисқа ҳикоя қилиб беради. Эркин таржима услуги аслият матннинг синтаксиси, услуги ва бошқа жиҳатларига эътибор қаратмаган ҳолда, таржима матнига олиб ўтиш мақсад қилинади. Эркин таржима услуги орқали яратилган матн ўқувчи томонидан талқин қилиниши ёки қабул қилиниши қийин кечади ёки таржима гапма-гап таржимага ёндашиш орқали аслият матндаги тасир кучи йўқолгандек туюлади.

6. Идиоматик таржима (idiomatic translation) услубида аслиятнинг ахбороти қайта яратилади, аммо аслиятда мавжуд бўлмаган ибора ва сўзларни танлаш орқали маънонинг кичик фарқини йўққа чиқаришга йўналтирилади. Муаллифнинг индивидуал тасвирини юзага келтирган лисоний воситалар образли иборалар, ҳис-туйғуни ифода этадиган сўзлар, баландпарвоз бирикмалар билан алмаштириб ўгирилади. Бу услуб динамик эквивалентликка ўхшаш бўлиб, унда аслият матннинг таъсири таржима матнида қайта яратишга эътибор қаратилади. Ларсоннинг фикрича, “идиоматик таржимада аслият тилидаги маъно таржима тилининг табиий шаклидек ифодаланadi. Бунда шакл эмас, маъно асосий эътиборда бўлади”.¹ Маънога асосланган ушбу услубда таржима матнининг янги ўқувчисига аслиятдаги ахборот таржима тили билан мужассамлашган ҳолатда олиб ўтилади. Бунда нафақат лисоний қайта яратилиши ва перефраз қилиш, балки таржима тили ўқувчиларига тавсифий ахборот беришга ҳам эришилади. Аслият матнидаги имплицит маънодаги тил бирликлари таржима тилида тушунарли ва тавсифий кўринишда бўлади.

7. Ижодий таржима (creative translation)да аслиятнинг лисоний воситалари матний маънолари ва услубий вазифалари умумхалқ тили грамматик қоидалари билан ҳамохангликда яратилади. Ижодий таржима ёки қайта яратиш манба матни ҳамда ундаги ахборот ва таъсирни таржима тилида такрорлашни англатади. Бу услуб таржимани ўқувчи аудиторияга манба матннинг маъноси ва туйғусини етказadi, бу орқали тингловчилар муаллифнинг ғоясини ўз тилларида тушуниш орқали бахраманд бўлишларини таъминлайди.

8. Муаллифлаштирилган таржима (authorized translation). Қ.Мусаевнинг фикрича, муаллифнинг розилиги билан асарга ўзгартиришлар, қўшимчалар қўшиш орқали асар таржимаси яратилади.² Паповичнинг фикрича, муаллифлаштирилган таржима аслият матнини бошқа тилга муаллифнинг ўзи томонидан амалга оширилиши,³ дея таъкидлайди. А.Папович “муаллифлаштирилган таржима на аслият матннинг янги бир кўриниши ва на одатий таржима деб қарала олмайди, дея таъкидлайди.”⁴

Коллер муаллифлаштирилган таржима ва одатий таржима ўртасидаги фарқни муаллифлаштирилган таржимда аслият матнига содиқлик яққол намоён бўлади ва таржимон баъзи тил бирликларининг ўзгаришларини таржимада таништира олади. Одатий таржимада эса таржимон бу каби жиҳатларда иккиланашларга дуч келади.⁵ Одатда, бу услубдаги таржималар кўп амалга оширилмаган. Чунки бунда икки тиллик табиати, тиллар ўртасидаги алоқа, ғоя ва шахсия каби омиллар роль ўйнайди. Сабаби бу каби икки тилда ҳам ижод, ҳам таржима ишларини амалга оширадиган ижодкорлар кам ҳисобланади. Бундай ижодкорлар сирасига Бекет, Набокор ва Тагорларни кири-тиш мумкин.

Демак, юқорида таъкидлаб ўтилган таржима услублари бадий таржимада ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, улар, асосан, таржимонни жараёнда қайси услубдан фойдаланиш ва ёндашиш маъносини англатади. Бадий услубга хос матнлар таржимасида семантик, коммуникатив, назмий, мослаштириш, эркин, идиоматик, ижодий, муаллифлаштирилган таржима услублари кенг қўлланади. Насрий таржима жараёнида ушбу услублар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятларини инобатга олган ҳолда, таржимани олиб бориш аслият матнидаги бадий-эстетик қийматни, асар ғояси ва мазмунини таржима тилига самарали олиб ўтишда катта роль ўйнайди.

¹ Larson Mildred L. Meaning-Based Translation. A Guide to Cross-language Equivalence, Lanham: University Press of America, 1984.

² Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Т., “Фан”, 2005, 27-бет.

³ Popović Anton. Dictionary for the Analysis of Literary Translation, Edmonton: Department of Comparative Literature, The University of Alberta, 1976.

⁴ Шу манба.

⁵ Koller Werner. “Equivalence in Translation Theory” (translated by Andrew Chesterman), in Andrew Chesterman (ed.), 99–104; Translation of Koller, 1979 (i.e. first edition of 1979/1992), 186-91), 1989.

MUNDARIJA

FIZIKA-MATEMATIKA

Игамкулова Зилола Муродовна. Автоном куёш станцияси учун панеллар самарадорлигини ҳисоблаш.....	3
Мадаминов Бекзод Аллаёрович. Изометрии обобщенных <i>log</i> -алгебр.....	6

FALSAFA

Омонов Баҳодир. Экологик глобаллашувнинг ўзбекистондаги экологик муносабатларга таъсири.....	11
Мамарасулов Улуг'бек. Sog'lom turmush tarzi va sport estetikasini rivojlantirishning falsafiy asoslari...16	
Искандаров Нурбек Шерифбоевич. Саломатлик феноменининг илмий асослари ва уларнинг фалсафий таҳлили.....	20
Саидназаров Улуг'бек Ахмеджанович. Жисмоний маданиятнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари.....	23

ETNOGRAFIYA

Абдуқодиров Сарвар Бегимқулович. Жиззах воҳаси аҳолисининг гиламдўзлик билан боғлиқ халқ қарашлари ва урф-одатлари.....	26
---	----

TILSHUNOSLIK

Sattorova Feruza Elmurodovna. Pragmatika: nazariyadan amaliyotga qadar.....	30
Qodirova Mukaddas Tog'ayevna. Murojaat ifodalovchi birliklarda grammatik va pragmatik omillar hamkorligi.....	33
Nortoyeva Nodiraxon Muhammadaliyevna. Frazologik derivatlarning tillardagi o'ziga xos xususiyatlari.....	37

ADABIYOTSHUNOSLIK

Каримова Соҳиба. Замонавий ўзбек адабиётидаги бемор образи табиатига доир.....	40
Йўлдошев Улуг'бек Равшанбекович. Бадиий таржимада қўлланадиган таржима услублари.....	43
Сапарниязов Рустем. Ўзбек, қорақалпоқ ва инглиз фольклорида ботаномик афсоналар қиёсий талқини.....	47

PEDAGOGIKA

Ishmuradova Gulbaxor Izmuradovna, Kaxharova Tozagul Abdimuminovna. Texnologiya ta'lim praktikumi mashg'ulotlarini o'qitishni kreativ fikrlash orqali takomillashtirish.....	50
Пахратдинова Рита Отеулиевна. Ёшларни касб-хунарга йўллашда уйғунлашган таълим технологияларидан фойдаланиш.....	53
Марданова Юлдуз Ўктам қизи, Камалова Дилнавоз Ихтиёровна. Олий таълим тизимида талабаларнинг техник билимларини такомиллаштиришда педагогик компетенцияларнинг ўрни.....	58
Qo'chqorov Bahodir O'lmasovich. O'quvchilarni tasviriy san'at mashg'ulotlari orqali estetik va ekologik tarbiyalash.....	62
Чимпўлатова Севара Алишеровна, Азимова Нигора Собитовна. Хорижий тилларни ўргатишда “эссе” методларининг таълим жараёнидаги аҳамияти.....	65
Ismailov Mahmud Nodirbek o'g'li. O'zbekistonda jismoniy tarbiya va sportning rivojlanishi.....	67
Saamadi Nooria. Afg'on maktab o'quvchilarining ingliz tili o'rganishda duch keladigan muammolari.....	70
Сиддикова Нигора Рахимовна. Проблемы устной пересказной речи учащихся национальной школы.....	75
Bekniyazova Sevara Nurkhanovna. New Pedagogical Technologies in Teaching Foreign Languages by Using Webinar Technologies in Higher Educational System.....	77
Uzakova Laylo Polvonovna. Credit-Module System is a Process of Organizing Education.....	81
Petrosyan Nelya Valerevna. Didactic Model of Critical Thinking Creation.....	83
Abdullayeva Saida. Peculiarities of Teaching Legal English.....	89
Arslonbekova Rano. Classroom Assessments in Writing Classes.....	92
Akhmadjonov Khasan. English for Specific Purposes: Definition, History and Use.....	95